

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
ШАҲАР РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

№ 115 (7.504)

1991 йил 19 июнь, чоршанба

© Нархи 8 тийин.



ТОШКЕНТ ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИДА



Учрашув пайти.

А. ГОРОКРИК ва Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган суратлар. [ЎзТАГ].

Одатдан ташқари қаттиқ ёққан ёз ёмиридан сўнг янада поксиза бўлган, чирой очган жумҳурият пойтахти биринчи «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» қатнашчиларини самимий кутиб олди. 18 июнь кун «Наврўз» мажлислар марсазида учрашув ташаббуси асосида қўрилган «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» қатнашчиларини самимий кутиб олди. 18 июнь кун «Наврўз» мажлислар марсазида учрашув ташаббуси асосида қўрилган «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» қатнашчиларини самимий кутиб олди. 18 июнь кун «Наврўз» мажлислар марсазида учрашув ташаббуси асосида қўрилган «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» қатнашчиларини самимий кутиб олди.

Ўй охири берилди. Хорижий банклар ва компаниялар ўзлари сарфлаган маблағ бехуда кетмаслигига, балки Ўзбекистон иқтисодиётини мустақамлашга, ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида фойда келтиришга умид қилишлари мумкин.

Соат роппа-роса 15 да Ўзбекистон ССР вице-президенти, ташкилот комитетининг раиси Ш. Р. Мирсанов биринчи «Тошкент ишбилармонлар учрашуви»ни очиб деб эълон қилди. У Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовга сўз берди. Чунки, айни унинг ташаббуси билан жаҳон бозоридagi машҳур компаниялар ва фирмаларнинг намоёндалари Тошкентга келишди.

Бир-бирини дўстона қришиб турган икки қўл «Тошкент ишбилармонлар учрашуви»нинг тизимли бўлиши, Ўзбекистон ССРнинг мустақиллиги тўғрисидаги декларация, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда рўй берган туб ўзгаришлар жумҳуриятимизнинг халқро бозорга мустақил чиқиши учун кенг истиқбол очиб берди. Ўзбекистон ССР Олий

Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессияси ҳам бунинг тасдиқлади. Сессияда бир қанча халқчил қонунолар қабул қилинди. Айни бизнинг шафқатли, баъзан эса асосиз қонуноларимиз ишбилармонликни ривожлантиришга халақит беради, ҳорижий тадбиркорларда ишончсизлик уйғотарди. Эндилда жумҳуриятимизда ҳорижий сармояларга кенг

нинг энг муҳим шартларидан биридир. Иккинчидан, бизда аввало хизмат қўриштириш соҳасидаги, қишлоқ хўжалиги, саноат, тайёрлаш ва таъминот ташкилотларидаги, мулкчиликнинг ҳамма шакллари эътироф қилинган ва ривожлантирилган. Шу ўринда хусусий ва акционерлик (қўшма тижорат) мулкчилиги рағбатга эришди. Бу ҳақда таъкидлаб ўтмоқчиман. Бунинг устига мулкчиликнинг бу шакллари бизда, Ўрта Осиёда ўзининг тарихий йлдиларига эгадир.

Учинчидан, жумҳуриятимиз парламенти ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш ва чет эл маблағларига қаролат бевучи бир қатор муайян қонунолар қабул қилди. Хукуматимиз томонидан эса иқтисодий тадбиркорлик эркинлигини таъминловчи ҳужжатлар тасдиқланди. Бизда қўшма корхоналар ташкил этилмоқчи бўлган, бирор соҳага маблағ сарфламоқчи бўлган ёки воситачилик қилмоқчи бўлган кишиларга кенг имтиёзлар берилди.

Бунинг устига бизда 50 та қўшма корхоналар тузилди. Ишбилармонлар уюшмаси ва шахсий хўжалик эгалари — фермерлар уюшмаси ташкил этилди. Республика бюджетидан уларга дастлабки сармоя сифатида ва айланма капитал яратиб учун 1 миллиард сўм маблағ акраптиланди. «Тошкент» савдо ва товар биржасининг расмий очилиши бўлиб ўтди. Швейцарияда савдо ваколатхонаси, Германия ва Америка Қўшма Штатларида эса ахборот-маслаҳат марказлари очилди.

Тўртинчидан, биз бор кучимиз, имкониятларимиз билан миллий аҳилликни, фуқаролар аҳилликни, ҳар хил миллат ва диний эътиқодга мансуб бўлган одамлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни қўришни мақсад қилдик.

Бизнинг динга бўлган янгича муносабатимиз, диндорлар билан ҳамкорликни янада яқинлаштиришимиз абадий қадриятларимиз — инсонпарварлик ва тинч-тотувлик, аҳиллик ва адолат, одамлик ва оқилоналик, ҳуқуқ, мусулмонликнинг маънавий ҳимматларини қайта тиклаш мақсади йўлда амалга оширилаётган ишлардир.

Биз чет эллардаги ватандошларимиз билан ҳамкорликни мумкин қадар кенг йўлга қўйиб, уларга таяниб ишлашимиз янги имкониятларини яратиб учун ҳеч нарсани аймамайиз. Бу йўлда ҳозирча мавжуд бўлган тўсиқларни бартараф этиш кераклигини ҳам яхши тушунамиз.

Биз, ҳурматли дўстлар, ўзбекча қилиб айтганда, катта ишнинг наслиқат ошига сизларни тикилдиб этганимиз. Хорижий мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларини мустақил амалга ошириш соҳасида қўллаётган имкониятлар доирасида ҳам кўп иш қилинади. Бу соҳада ҳамкорликда ишбилармонлик катта ишларнинг пойдевори та асос солишимиз мумкин.

Бу тадбирлар ҳозирги кунда имзоланишга тайёрланган мустақил давлатлар Иттифоқи Шартномаси лойиҳасида ҳам кўзда тутилган.

Биз бу тадбирларни жумҳуриятимизнинг янгилашган иттифоқида мустақил давлат сифатида иштирокчиларини белгилайдиган асосий шартлардан бири, деб ҳисоблаймиз.

Айни дўстлар, ҳаммаларимизга яна бир сўз қўйиб, ишбилармонликнинг омад ва барака тилаймиз.

Эътиборларингиз учун раҳмат!

«Наврўз» марказига тўп-ланган тадбиркорлар жумҳурият президентининг кўриши қарорлари билан кўриб олишди. Бугунги кунда шунинг ишонч билан айтиш мумкин, кўп масалалар юзасидан ўзаро фикрга келинди, халқ хўжалиги мажмуининг амалда барча тармоқларига тегишли икки юздан ортиқ ўзаро манфаатли тақдирлар тайёрланган, ганини айтишнинг ўзи kif-фоя. Тадбиркорлар ҳам ўз тақдирлари, ишланмалари билан Тошкентга келганликларини таъбиб. Беш кунлик анжуман чоғида сармоя беришдан ташқари, ҳорижий фирмалар билан қўшма корхоналар тузиш тўғрисида шартномалар имзоланган мўжзалланган.

Яна маълумлашга сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари В. С. Хамидов ўзаро манфаатли ҳамкорликни истиқболларига асосий эътиборини қаратди. У жумҳуриятда олиб борилаётган ишнинг ташқи иқтисодий сибсатга тўғралади. Ўзбекистон ССРда экспорт ва импорт ишларини, чет ташқи савдоси, транспорт таъминоти, қўшма корхоналар тузишнинг ташқи этики масалалари билан шуғулланишнинг давлат тузилмалари ташкил этилди. Давлатдан ташқари ташқи иқтисодий уюшмалар, ташқи бозорга йўналтирилган фирмалар, кичик корхоналар ва кооперативлар ташкил этилди ва улар ҳозирнинг ўзида фаол иш олиб бормоқдалар. Бу, ўз навбатида, хорижий тадбиркорларнинг жумҳуриятимиздаги кўпдан-кўп шериклар билан бевосита алоқа ўрқоб қилишга қодир, Ўзбекистоннинг илмий имкониятлари ҳам жуда катта.

Учрашув очилиши маросимида «Испания» (Лантент ветерани) фирмасининг президенти А. Мата, Ўзбекистон «Ипак йўли» ёшлар иновация-тижорат банки бошқарувининг раиси Р. Азимов, Ҳиндистон Совет савдо ва саноат палатасининг президенти М. Шан, «Сельхозмаш» концернининг раиси А. Юсупов ҳам сўзга чиқдилар.

Кечқурун хорижий меҳмонлар шарофига Ўзбекистон ССР Президенти Номидан расмий қабул маросими ўтказилди.

Қабул маросимида И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Л. ЛЕВИН,
В. ПУГЕР,
ЎзТАГ мухбирлари.

ТО Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

● Қорақалпоғистондан Тошкентга тиббий кўриқдан ўтиш учун 160 нафар мактаб ўқувчиси келди. Улар пойтахтнинг энг яхши шифохоналарида даволаниш билан биргаликда театрларда, музейларда бўлишди. Ёз давомида Тошкентда Орол бўйидан келадиган 1760 нафар болани тиббий кўриқдан ўтказиш мўжжалланган.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Москва яқинида Ново-Огаревода янги Иттифок шартномаси лойиҳаси устида олиб бориладиган ишлар ниҳоясига етди. Эндилда бу лойиҳа жумҳуриятлар Олий Кенгашига муҳокамасига қўйилади.

● Қозғистон Олий Кенгаши қабул қилган қонунга биноан республикада 1992 йил 1 январдан энг кам ойлик меош миқдори 130 сўм бўлади.

ХОРИЖДА

● РСФСР Олий Кенгашининг Раиси Б. Н. Ельцин АКШга келди. У бу ерда АКШ Президенти Ж. Буш. Оқ уйнинг бошқа раҳбарлари, касба соҳалар етакчилари, амалий ва молиявий дорлар билан учрашди.

● Филиппинда вулқон кучли отилиб чиқиб оқибатда 200 дан кўпроқ киши ҳалок бўлди. Президент Корасон Акино мамлакатнинг тўрт вилоятидаги 13 шаҳарни миллий фалокат районлари, деб эълон қилди.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши Ироқнинг оммавий қиргин қуролилари ва ракета техникасини йўқотиш режасини тасдиқлади.

● 1998 йилги қишки Олимпиада ўйинлари Япониянинг Нагано шаҳрида ўтказилган бўлди.

Бугунги кун нафаси

Воқеа арафасида

ХОҲЛАГАН ИШИҢГИЗНИ ТАНЛАНГ!

Чилонзор район меҳнат биржаси райондаги корхона ва ташкилотлар билан биргаликда 20—21 июнь кунлари районда биринчи марта бўш иш ўринлари ва вакантни мутахассисликлар бўйича ярмарка ўтказди.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ишчилар сонини кўпаймоқда. Шунингдек, ҳозир 25 мингга яқин киши иш қидириб юрган бир вақтда шаҳарда ишга жойлашиш мумкинлиги тобора қийинлашиб бормоқда. Шунга қарамай Тошкент корхона ва ташкилотларида 15,5 мингдан ортиқ ўрин бўш турибди.

Бугунги кунда бўвқилар, сувоқчилар, гишт терувчилар, дурдаторлар хизматига муҳтож бўлган 153-қурилиш трестига ишловчилар учун ҳам қатор шартонлар яратилган. Бундай мутахассисликка эга бўлмасаларда лекин шу касбада ишлашни хоҳловчилар трест ўқув комбинатида иқтисодик бўйича билим олишлари мумкин.

Бир сўз билан айтганда юқоридagi корхоналарда ишлашни хоҳловчилар учун имкониятлар бор. Бунинг учун улар Чилонзор район меҳнат биржаси хонасида ташкил этилган ярмаркага муножат қилсалар бўлган. Дарҳол улар ўз иш ўринларини топиб оладилар. Шунингдек бу ерда ўзларнинг қизиқтирган барча соҳаларга жавоб олишлари мумкин. Ярмарка иш жойини ўзгартирувчилик ёки бўлмаса ўз яшаш жойи яқининда иш изловчилар учун ҳам лозим бўлган ердани беради. Яна бир нарсани айтиш керакики, ушбу ярмаркада фақат чилонзорликларгина эмас, балки шаҳримизнинг ўзга районлари эҳоласи ҳам қатнашиши мумкин.

Уларига муносиб иш топмаганлар ҳеч қандай тушунликка тушмасалар ҳам бўлади. Улар ўз ёқтирган касбадаги иш ва яшаш жойларини ёзиб қолдирилган бас, биринчи хизматчилар шу касбада иш топилгани билан уларни дарҳол янгиликдан хабардор этишди.

Шундай қилиб Чилонзор меҳнат биржаси ярмаркаси барча хоҳловчиларни 20 ва 21 июнь кунлари соат 9 дан 18.00 гача қабул қилди. Биржа Чилонзор даҳасининг 16-мавзенида жойлашган. Алоқа учун телефон: 76-77-99.


ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ГУРУҲИ

Ўқувчи-ёшларда мустақил фикрлаш кўникмасини ошириш иқтидорли талабаларнинг маълум гуруҳини ташкил қилиш учун кенг йўл очилди. Шунга қўра қобилиятли ўсмирлар билан яқиндан иш олиб бориш масаласи олий ўқув юртилари диққат марказида турибди.

Янги ўқув йили арафасида Тошкент алоқа электротехника олий билимгоҳида бу муҳим масала тажриба усули тарихида синаб кўриладиган бўлди. Фан-техниканинг муайян тармоғига мойил бўлган иқтидорли ёшларнинг танлаб олинида махсус синаб кўриш усули қўлланилди.

Қабулдан бу янгилик олий ўқув юрти талабалари сифини истеъодли йиллар ҳисобига кенгайтириш учун кенг йўл очилди.

Саодат ОДИЛОВА.



«Мебельбит» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашан 7-мезбел соғлаш устaxonаси иш бошлаганида халқ кўп вақт бўлган йўқ. Лекин шу қисқа муддат ичидаёқ устaxonа хизматчиларини қўнғилиш эътиборини қозонди. Ушбу суратда эса ана шу устaxonанинг энг сифатли иш бажарувчиларидан бири мебель қонловчи Дилшод Собировни кўриб турибмиз.

Усмонов Усмонов сурати.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияси 1991 йил 21 июнда арғалаб соат 9 да Тошкент шаҳар партия комитетининг катта мажлислар залида ўз ишини бошлади.

Депутатлар соат 8 дан бошлаб рўйхатга олинди. Тошкент шаҳар Кенгаши раёсати.

